

Бугун

пойтахтдаги «Галаба» маданият ва истироҳат боғида фашизм Германияси устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 26 йиллиги муносабати билан кўргазма очилди. Ундан Улуғ Ватан уруши фронтларида душманга қарш

шатич зарба берган самолётлар, тўплар, пулбеллар, танклар ва бошқа хил қурол-яроғ турлари жой олган.

Эртага

боғда, Ғалаба куни шарафига театрлаштирилган байрам ўтказилади. Байрамда Туркистон

Ҳарбий округининг жангчилари Улуғ Ватан уруши йилларида оталар кўрсатган жасоратни акс эттируви жанг манзара, ларини намоиш этиди.

Боғда ўтказилмаган сайда санъаткорлар ва бадиий хаваскорлик коллективлари ўз концертлари билан томошбинларни хушуд этидилар.

БАЙРАМИ

МЕХНАТ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

«Ташсельмаш» заводда Хасан Хошимов бир неча йиллардан бери комсомол ешлар бригадасига бошчилик қилмоқда. Бригада аъзолари КПСС XXIV сьезди арафасида катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритдилар. Улар квартал топириқларини 20 мартда шараф билан адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Меҳнатсевар бригаданинг муваффақиятлари муносиб тақдирланди. Унга ВЛКСМ Марказий Комитетининг вимпели тантанали суратда топирилди.

Куни-кеча Тошкент область ва шаҳар комсомоллари активининг бўлиб ўтган йилги ишларида шахримиздаги 159-курйилиш трестининг комсомол комитети (секретари В. Дорохов) ҳам ана шундай мукофот олинган сазовор бўлди.

Ҳамза район комсомол комитети ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрли лентаси билан тақдирланди.

Комсомол актив йилги ишларида КПСС XXIV сьездининг қарорлари ва уларни амалга оширишда область ва шаҳар комсомоллари олдига турган вазифалар қизғин муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
ЮКСАК КЎРСАТГИЧЛАР
Чинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXIV сьезди тарихий қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш учун курашиб, иш суръати ва тайвратни тўбора оширишмоқдалар.

БАЛАНД РУҲ БИЛАН
Шу кунларда мамлакатимизда Бутуниттифоқ комсомол йилги ишлари бўлиб ўтмоқда. Комсомоллар КПССнинг XXIV сьезди қарорларини муҳокази қилмоқдалар, беш йиллик режаларни тўра йилда бажариш учун



БЕРЛИН. Трентов-паркдаги ҳалоскор совет жангчисига ўрнатилган ҳайкал.

Санъат оламида
ИККИ РАССОМ
КЎРГАЗМАСИ
Кеча Москвада, СССР расомлар Союзининг кўргазма залида Ўзбекистон ССР халқ расоми Н. В. Кашина ва самарқандлик расом С. Ф. Рақоваларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Янги фильм
Ўтган куни киночилар уйда «Ўзбекфильм»нинг янги маҳсулоти — «Фалонат оёқ остида» бадиий фильмнинг кўриги бўлиб ўтди. Фильмни режиссер З. Собитов, сценарийи А. Макаровнинг сценарийи асосида суратга олишган. Унда совет миллиончиларнинг кундалик фаолияти, жўшқин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Томошадан кейин бўлиб ўтган муҳокамада мутахассислар ва томошбинлар фильм ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ишлаб чиқариш қуввати ошади
КПСС сьезди директиваларида корхоналарни янги усуллар билан таъминлаш, реконструкция қилиш лужайли уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ёр-мой комбинатига ҳам худди шу масалага эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда чигитдан ёр оладиган цехини таъмирлади. Цехга Германия Демократик республикасидан келтирилган машина ўрнатилди. Янги қуришда ҳар куни 130 тонна чигитдан ёр ишлаб чиқарилади. Кир ювиги порошоклари ҳозирча четдан келтирилади. Бу қимматга тушади. Комбинатда қурилаётган алкитсульфат цехи ишга тушгач кир ювиги порошоклари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Энциклопедия
НАШРДАН
ЧИҚДИ
Ўзбек Совет энциклопедияси редакцияси коллектив энциклопедиянинг биринчи томини нашрдан чиқарди. «А» ҳарфида доир сузликлар муҳассамланган бу томда 3 минг 350 та ҳар хил мақола ва материаллар бор.



Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Крапивин шахримиздаги «Подъёмники» заводининг зарбдор токарларидан бири. Мунтазам равишда ўз сиена ва оялик топириқларини бир ярим ва икки баравар адо этаётган бу ишчи ўзининг беш йиллик топириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

РАДИО КУНИ ШАРАФИГА
Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги радио кунини нишонлади. Шу воқеага бағишлаб 7 май куни А. Навоий номили давлат Академик катта театрида тантанали йилги иш ўтказилди. Илгиларини Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. К. Шонезьмагов очди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайлабди.

ПАССАЖИРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК
Шаҳар пассажирлар ташвиш автотрестига қарашли кўпгина автоларда кўловчилар ташвиш планлари ошири билан бажаришмоқда. Бунга янги-янги восита, микро ниетларни ишга солиш тивий март, апрель ойлари планларини ошири билан адо этди. Бу ерда автобусларни юмиб тозалайдиган ҳамда ремонт қиладиган вадаги Ленинский автозаводдан «МАЗ—671» маркали ўнта янги автобус олинди. Пассажирлар учун барча қўлайликлар бўлган бу автобуслар 25, 24, 18, 3-маршрутлар бўйича қатнай бошлади.

ЮКСАК ИШОНЧ
ШАХРИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БАЛАНД РУҲ БИЛАН КЎРСАТИЛМОҚДА
Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи 25-Каттабўй сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети расиянинг биринчи ўринбосари Дмитрий Степанович ПОЛЯНСКИЙ ва ана шу корхонанинг илгор тилувчиси Мукаррам Ҳамдамов ИБНЗААХМЕДОВА Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун
МУСОБАҚА
БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ
КЕЧА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ СОВРИНИ УЧУН САМБО ИШТИРОҚ ЭТМОҚДА.

Кеча Ўзбекистон пойтахтида Армия спорт клубининг залида «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун самбо кўраши бўйича анъанавий Бутуниттифоқ мусобақалари тантанали равишда очилди. Самбочиларнинг бу турини учинчи мартаба ўтказилмоқда. Биринчи турини 1969-йили бўлиб ўтган эди. Бугунги мусобақада иштирок этаётган командаларнинг состави Тошкент «оқшони» газеталарининг кўча соврини учун мусобақалар мамлакатимизнинг турли бурчақларида ўз мўлжалларини топаётганда далолат беради. Мисол учун, 1969 йили туринда 34 команда, шу жумладан Ўзбекистоннинг 17 командаси қатнашган бўлса, мазкур мусобақаларда Совет Иттифоқининг 30 дан зиёд шахридан 50 коллектив иштирок этишмоқда. Мусобақага Новосибирск, Владивосток, Боку, Курск, Днипровск, Ленинград, Олмаота, Красноярск, Барнаул, Электросталь, Саратов, Куйбишев, Павлодар, Краснояр, Аниди, Рибийск, Пермь, Томск, Калининград, Братск, Новосибирск, Кустанай, Коломна, Қарағанда, Фрунзе ва республикамизнинг 8 шахри ўз вакилларини юборишган.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун
МУСОБАҚА
БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ
КЕЧА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ СОВРИНИ УЧУН САМБО ИШТИРОҚ ЭТМОҚДА.

# Б У Ю Ж Ғ А Л А Б А Т О Н Г И

Л. КУДРЕВАТИХ, М. МЕРЖАНОВ.

## ҚИРҚ БЕШ МИНУТ

(Журналистлар ён дафтарида)

Урушнинг сўнгги кун, 1945 йил септември май. Гитлер армияси тиз чўкди. Инсоният фашизм асоратидан қутулиб, эркин нафас ола бошлади. Ғалаба!

Туннинг қоқ ярмида Берлин яқинидаги Карлсхорст собиқ юрти ва унинг офицерлар ошхонаси тарих соҳмасига бирилди. Бу ерда капитуляция акти имзоланди. Кўнж-кўнж мато ёлпиган столлар, бор-йўғи 45 минут давом этган кенгаш дақиқалари хотирада ҳамisha сақланиб қолади.

Бу кенгашда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси бу давларнинг улғурлигини, келажак авлодлар тақдирини ҳал этувчи бу ҳаракатнинг жаҳоншумуллигини ҳис этарди.

Биз ўша давларда тўларган ён дафтаридаги қайта аяқлашди. Уша 45 минутнинг ҳар бир дақиқасида ёнборган куруқчиқа ёзуваримиз билан бирга залдаги оқидий давларнинг президиуми столда турган байроқлари, гитлерчи генералларнинг гердаиши ва диомофорлиги, дўстларнинг ҳажжонли чеҳралари хотирамизда қайта тикланди. Гўё бу воқеа кўнж-кўнж бўлиб ўтгандай...

Тарихий ақтга имзо чекилишдан бир неча минут олдин бир гуруҳ журналистларни офицерлар ошхонасида тақлиф эттирди. Столларда ёзилмаган оқ қоғозлар, «Москва—Волга» папирослари, учи ўтирилганга қаламлар, оқидий сийҳонлар, ўқувчилар ёзданган ингичке ружулар турарди. Ҳаммаси одатдагидек, иш пайтидагидек содда. Стенографисталар киришди. Кенгаш қоқ тунда бошланди.

8 май, соат 24.0 минут. Залга Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков, Британия авиацияси бош маршали сэр Артур В. Теддер, генерал-полковник Спаатс, адмирал сэр Герольд Беррау, генерал Делатр де Тассинья, А. Я. Вишинский ва делегациянинг ёзуварлари кирдилар. Улар президиум столга атрофига ўтирдилар. Г. К. Жуков раислик қила бошлади. У ҳозир бўлганларга делегация ҳайъати ва кенгашининг мақсади ҳақида гапирди.

9 майнинг 2-минут. Г. К. Жуков навабати офицерларга мурожаат қилди:

— Герман кўмондонлиги вакиллари тақлиф этинг. Бир минутлик сукунат чўкди. 4-минут. Залга генерал-фельдмаршал

Кейтель кирди. У гўё шармандали ақтга имзо чекишга эмас, ҳарбий қўшинларнинг тантанали марши ўтадиган майдонга келгандай ҳарбийча кийиниб олган эди. Юзида қизил-қизил доғлари бор эди. Кейтель оқидий буйича маршаллик жезли-балғисини силкитиб столга ўтиради. Қарамасдан кўпқонини орқада турган штаб офицерига узади. Гитлер штабининг офицерларни қресло орқасида Фэрри қоровулада тургандай оқидий тикилганча тўз қотишган эди.

Кейтель билан бирга паказанга кўч қувчган генерал-полковник Штумпф — Герингнинг ўринбосари, ақча букчайиб қолган қари генерал-адмирал фон Фридебург кўккайиб кириб келишди. Улар ҳам стол ёнига ўтиришди. Штумпф фельдмаршалнинг ўнг ёнида, фон Фридебург эса чап томонида...

6-минут. Раислик қилувчи герман вакиллари мурожаат этди.

— Нима учун тақлиф этилганликларингизни биласизми? Кейтель жавоб берди:

— Ҳа, биламиз. У биринчи марта совет саркардаси маршал Г. К. Жуковга қаради. Герчи уни илгари кўрмаган бўлса ҳам, номини Халхин-Голдаги жанглар пайтидад экан биларди. Кейинча, Москва, Смоленск остоналарида, Днепр, Висла, Одерда бўлган жанглар даврида унинг номини кўп эшитганим. Мана энди, юзма-юз турибди...

7-минут. Г. К. Жуков давом этди:

— Германия вакилларида сўзсиз капитуляция акти борми? Бу ҳужжат билан танишганими?

— Ҳа,— деди Кейтель ва моноклини кўзига қараб ҳужжатларни кўра бошлади.

9-минут. Г. К. Жуков сўради:

— Ақтга имзо чекишга делегация тайёрми?

— Тайёр,— деб жавоб берди фельдмаршал. У ён чўнтагидан авторучкасини олди.

10-минут. Раислик қилувчи Г. К. Жуков Кейтлева:

— Мен бу ерга келишимизни тақлиф этаман,— Маршал Жуков президиум столга ёнига кўйилган кичик стулдан кўрсатди,— Сиз бу ерда сўзсиз капитуляция ақтга қўл қўясиз.

11-минут. Кейтель ўридан турди, тўррироғи, сапичи турди. Маршаллик жезлини столдан олиб, кичик столча томон юрди. Мо-

нокли тушиб, илгга осилиб қолди. Фельдмаршал кетида икки штаб офицери кузатиб борди.

12-минут. Фельдмаршал стулга ўтирди. Ун йиллар давомида оқидий тусига кириб қолган ҳаракат билан жезлини олдинга силкитиди, сўнг моноклини тутиб, ҳужжатларни ўқишга тутинди. Атроф жимжит. Фақат киноопаратларнинг шириллашу «лейкаларнинг» шикирлаши эшитилди.

Журналистларга столга яқинлашишга ружуат берилди. Биз унинг учун шармандалик бўлган минутларда ҳам ўзини намойишкорона тутишга уринаётган кишини яқиндан кузатишга имзо чекишди.

27-минут. Қизил юз, бақалоқ Штумпф имзо чекиши столча томон юрди. У фельдмаршал билан фон Фридебургга қараганда чакқорроқ қўл кўярди. У ҳеч кимга қарамасди. Ғазабдан юзлари бўртиб қизарган. Бироқ охириги ақтга имзо чекиб бўлгач, ўридан турдида, президиумдагиларга қараб таъзим қилди. Бу қилиғи кўглили туюлди.

Буларнинг ҳаммаси лом-лим демасдан адо этилди. Гапга ҳожат йўқ эди ҳам. Совет жангчилари бор гапни айтиб кўйган. Энди фақат шубҳасиз, сўзсиз капитуляция қолган, холос. Гитлерчилардан бошқа бирон-бир нарса талаб этилмади.

30-минут. Ақт президиум столга келтирилди. Унга Г. К. Жуков, сўнгра Артур В. Теддер имзо чекидилар. Улардан кейин генераллардан Спаатс ва Делатр де Тассинья қўл қўйдилар.

43-минут. Г. К. Жуков:

— Немис делегацияси кетиши мумкин,— деди.

44-минут. Кейтель, Фридебург, Штумпф ва уларга ҳамроҳ бўлган офицерлар ўриларидан жимгина туриб, эшик томон юрдилар.

45-минут. Улар залдан чиқдилар... Зал бирдан жонланиб кетди. Ҳамма бир-бирини табриқлади. Энди замбараклар отилмади. Ғалаба! Тинчлик!

Улкан, шафқатсиз жангларнинг охирига нўқта қўйилди. Уруш тамом бўлди!

Русчадан Бекмурза МАХМУДОВ таржимаси.

### СҲНМАС У КҮНЛАР ШУХРАТИ

1943 йилнинг ёзида Украина фронтининг Балаклея-Узюм районида ҳимояда турардик. Мен у вақтда 267-ўқчи дивизиянинг 848-полкида разведкачи эдим.

Бир кун кечкурун полк сийсий бўлими бошлиғи старший лейтенант Андреев мен билан тўрт кишини қақриб, «тил» ниҳоятда зарурлигини, Донецк дарёсидан ўтиб, бирорта душман солдатини тутиб келишни топширди. Биз кечаси дарёдан кема билан ўтиб, масъулиятли вазифани баъришга киришдик.

Пойлаб туриб, икки немис солдатига тўсатдан ташландик ва биринчи ўлдирди. Иккинчисини тириклайин олиб қайтдик. Бу операция мўлҳим аҳамиятга эга эди.

Менинг ҳақимда дивизия газетасига ҳам ёзишди. Чунки мен разведка гуруҳидаги бошчилик қилган эдим.

Орадан бир неча кун ўтгач, мени кимдир ахтариб келганини айтишди. Қаршимда зузун бўйли, ориққина ўзбек йигити турарди. Бу киши 267-ўқчи дивизия сийсий бўлими ходими, старший лейтенант Хужаев экан. Унинг кў-

### ҚАЙДАСИЗ, КОМАНДИР?

лида мен ҳақимда мақола босилган газета бор эди. У мени чин юракдан табриқлади. Шу кунни бутун полк олдида дивизия командирининг ўринбосари подполковник Постулов СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ўнги оштиради ва мени биринчи даражали Улуғ Ватан уруши орденини таъширди.

Шундан кейин, ўртоқ Хужаев билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турайдиган бўлдик. У асли тошкентлик бўлиб, 1939 йилда САГУНИ битирган, сўнг тўқмачилик фабрикасида директор қилиб тавинланган экан. Улуғ Ватан уруши бошлангач, биринчилар қатори жангга отланбди. У сира тиниб-тинчимас, оқол, ма-оқол юриб, солдатлар билан суҳбатда бўлар эди.

Тез орада Хужаев мени рота разведкачиларига қақриб, старший сержант унвонин билан бўлима командири қилиб тайинлади. 1943 йилнинг 8 август кунни биз ҳужумга ўтдик. Душман қурол-яроғ, ўқ-дориларини ташлаб, 20—25 километр орқага чекинди. Ҳужум пайтида душман снарядларидан бири яқинимда портлади ва мени улоқтириб ташлади. Госпиталда ўзимга келганимда, бир қўл ва бир оғимдан ажраганимни билдим. II группа инвалиди бўлиб, уймага қайтдим.

Мана, йигирма беш йилдирки, Навой санэпидстанциясида инструктор бўлиб ишлайман. КПСС аъзосиман. Гоҳ-гоҳ уруш йилларини эслаганимда, оқиди чеҳрали, билмадони Хужаев кўз олдимда намойён бўлади.

Қайдасиз, азиз дўстим ва командири?

Қаюм ХОЛОВ.



РЕЙХСТАГ УСТИДА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ.

### Танишини, ҳамшаҳарларинииз

## КАНТЕМИРОВЧИ ЎЗБЕКЛАР

Ленин ордени, Суворов ва Кутузов орденлари билан тақдирланган Қизил Байроқли гвардиячи кантемировчи дивизиянинг бутун жаҳон тан олади. Дивизия танкичилари Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши қўрашда мислсиз жасорат қўратган, сараланган «СС» чиларга, Гудериан танкларига даҳшат солган.

Кантемировчи дивизияда турли миллат вакиллари қатори ўзбеклар ҳам кўп эди. Махмуджон Зуфаров, Жўра Султонов, Карим Уркинов, Умар Хужаев, Ҳабибулла Хайдаров, Ашурхон Юсупов, Зухриддин Жўраев, Асли Сиронов, Холдор Мамажонов, Мурод Тоғаев, Жўра Нурматов каби пахлавонларимизнинг ҳар бири душман билан шердек олимди, энгди, енгилмади.

Қўрашда кантемировчи ўзбеклар жасорати ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз:

турибди. Яқинда кантемировчи дивизиянинг 25 ҳақида бш танкичиларга йиллик тўйида қатнашиб ҳикоя қилиб берди.

### КҮКСИ ҚАЛҚОН ЙИГИТЛАР

Кутилмаганда фашистлар ҳужумга ўтди. Немис танклари уч томондан шовқин солиб келарди. Бундай пайларда вақтни қўлдан бой бермаганга, вассалом...

— Минометлар ишга солинсин!—деган буйруқ берилди биланқо гвардиячилар ўриларини эгаллашди. Бир-иккита танк ёнди-ю, лекин бошқалари ҳамла қилиб келишаварди.

— Младший сержант Мурод Тоғаев, чап томондан келатган танкака қарата ўт очинг!

Минометчи Тоғаев буйруқни дарҳол бажо келтирди. Минометдан устустига бир неча бор отди. Қаторлашиб келатган «Тигр»лар бурқиб ёна бошлади, Шу маҳал кантемировчилар ҳужумга ташланишди. Зухриддин Жўраев, Ҳабибулла Хайдаров, Иван Голуб ва бошқалар душман устига ёпирилишди. Улар фашистларнинг икки танкини, бир аэродрога яқин солдатини йўқ қилишди.


### БЕРЛИНДАГИ ЧОЙХОНА

Фашизм юраги — Берлин таслим бўлган кун. Кўчаларда ғала-ғувур. Отишма тўхтади. Рейхстагдан сал нарироқдаги ҳашаматли иморатнинг пастки қаветидаги айвонда жангчилар чордона қуриб ўтиришди. Ҳу нерда катта селовар шақир-шукўр қайнайди.

— Узбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбоев ўзбек делегацияси составида фронтга келганида, Берлинда ҳам чойхона очамиз деган эди.

Бундан кейин ҳам қўлдан келавармади. Бу — фақат Совет Армияси жангчисининг қўлидан келди.

Самат ҚОДИРОВ.



GERMANIA, 1945 YIL MAY. SERJANT N. MESHKOV BOSCHILIGIDAGI JANGLAR BERLIN YAKINIDA TURIB TUP BILAN REYKHTAGNI UQKA TUTAPTI. M. Retkni fotosi. TASS fotoxronimasi.

## У ВАТАНИНИ СЕВАРДИ...

1943 йил 15 сентябр. Вира қишлоғи учун бўлган шиддатли жанг. Қурбонбойнинг вазоды биринчи бўлиб қишлоққа кириб, ҳеч қандай талафотсиз у ерни фашистлардан тозаллади. Вазод командири доим олдинги сафда жанг қилди.

Кўмондонлик 6 октябрда бу синалган вазода янги вазифа юкляди. Вазод биринчи бўлиб Днепрни кечиб ўтиши ва ўнг соҳилдаги керамика индустрияни ишгоҳ қилиши керак эди. Қурбонбой бу қийин, лекин шарафли вазифани олғач, вазоднинг жангга тайёргарлигини кўздан кечириди.

1944 йил январда Қурбонбойдан охириги хат келди. Шундан кейин кўп ўтмай, «Қурбонбой Ирсебеков жангларнинг биринчи қахрамонлари ҳалок бўлди, унга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди» деган хат келди қисм командиридан.

Мана, бу хат эса СССР Олий Совети Президиумидан қахрамоннинг отасига келган: «Ҳарбий кўмондонликнинг ахбороти қараганда, сизнинг ўғлингиз млади лейтенант Қурбонбой Ирсебеков Совет Ватани

нингиз, бир кадам ҳам орқага чекинмангиз, кўмондонлик буриғуи шарофат билан бажарили, шунга керак!»

Фашизм келтирган жароҳатлар аста-секин битмокюда. Ленин Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг бахт-саодати учун жонини фидо қилган қахрамонларнинг номи ҳеч қачон унутилмайди. Халқимизнинг жасур фарзанди, Навой номи педагогика институтининг собиқ ватанпарвар студенти тўғрисида ўтган даврларда ҳеч нарса ёзилмади.

Пианоий номи педагогика институтини коллектив собиқ студент хотирасини абадийлаштириш, қахрамон ҳаёти ва қилган ишларини ўрганиш учун зарур тадбирлар қўради, деган ундаймиз.

СССР Олий Совети Президиуми ва И И Г раиси. Н. ШВЕРНИК. Москва, Кремль, 3 март 1947 йил. Орадан йиллар ўтди.

И. УСМОНОВ.

ТОШКЕНТ 2-БЕТ ОҚШОМИ 8 МАЙ, 1971 й.

## ФРОНТ ЮМОРЛАРИ

ОТТО—Вилли, биз ахири тан Карл Кирка албатта етказамиз! Вилли—Билломайман. Ме-Кирк кимиз эмас. — Ким бўлди! Генерал бўлди! — Йўқ, Мархум. — Менинг саломини қабул қил.

● Яхши хислат — музал фазилат

## Ҳақни айтган — мард киши

**АНДИШАЛИ** бўлиш — худди узукка кўз кўйгандек нисон одобига хусн бўлиб тушади.

Андишали одам нисон қадриятини ҳамма нарсадан улғур деб билади, ҳар қандай вазиётда зийраклик билан иш кўради. Мабодо бирор оғир гап айтиш зарурияти тугалса, йўли билан, мулоимлик билан уқдиришга тиришади. Оралида онда-сонда бўлса-да, гап соғуқ, турки хукук тўғрисида эгалари ҳам учрайди. Бундай кишилар дабурустан қўлоқлик қилиб, одамни ёмон аҳволга солиб қўядилар.

Бир мисол келтирай: Эрта-лаб, ҳамма хизмат вази-фаларига охириги. Трамвай йўловчилар билан гавжум. Ни-

ма бўлди-ю, бирдан шовқин кўтарилди, ҳамма «ялт» этиб ўша томонга қаради. Кўрсак, бир ўспирин бола ёши улғайганроқ аёл билан этишляпти. У нималарнидир айтиб ўдгайларди. Маълум бўлишича, аёл уни тартибга чақириб, балога қолган. Андишасининг қилиши аёлини бирдам эсанкиратиб қўйганди. Одамларнинг нафрати ошди, чекка-чеккадан ўспиринни ҳаёсизликда айблади.

Ниҳоят, ўрилди гапларга дош беролмаган йигитча яқин бекатдан бирида тушиб қолди.

Мана, беандишанинг қилиши. Қанча одамларнинг дили снэх... Ёшларни йўлга солиш, ҳаё-одоба ўргатиш катталарнинг бурчи. Буни педагогика фанлари кандидати.



## ШИРИН КОНФЕТЛАРНИ Я

— Ҳадеб конфет-конфет делверасанми, мен ҳозир конфетни вазаси билан отиб юбораман, — деди онаси беш ишар ўғилчасига.

— Қаерга отасиз конфетларни? — деб сўради бола.

## ОЁҚҚОП

Тўрт ёшли Лutfи комбинзон кийиб кўриб:

— Сираям тополмайман. Бунинг қўлоқни қаеру, оёққоли қаер! — деди хайрон бўлиб.

**В. РАҒУРОВА,** кўпболали она.



«Юксакда, шамолнинг беланчагида, Майин тебранади бир туп наъматак».

## ДОНОЛИК САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

Эронда ҳуки сурган сосонийлар сулоласининг йигирманчи подшоҳи Ану-шервон Одилинг (вафоти — 579-йил) машҳур азияри Бузуржмехр (вафоти — 580—590 йиллар ораси) ўз ус-този билан донолик савол-жавоблари ўтказиб турган. Қуйида сиз ан-ша савол-жавоблардан бирини ўқий-сиз.

Сўрадим: — Ҳадеб кимга ишониб топширсам бўлади?

Айти: — Сенга ҳасад қилмайдиган дўстларга.

Сўрадим: — Эл олдида қайси феъл ёмон?

Айти: — Ҳадеб кимга гапириб мақтанчи.

Сўрадим: — Ешларга нима яхши-ю, қариларга нима лойиқ?

Айти: — Ешларга ҳаё ва ботирлик, қариларга донолик ва эҳтиёткорлик.

Сўрадим: — Кимдан ҳазар қилмоқ керак?

Айти: — Логанбардор кишилардан.

Сўрадим: — Саҳий ким?

Айти: — Бировга нарса бериб, бу ҳақда уйламаган киши.

Сўрадим: — Қандай нарса обрўни кеткизади?

Айти: — Улуғ кишиларнинг обрў-яни — бахиллик хотинларнинг обрў-яни — беҳабелик, оддий кишиларнинг обрўяни — ёлгончилик кеткизади.

Сўрадим: — Нима қилиб бадавлат бўлиш мумкин?

Айти: — Илм билан.

Сўрадим: — Нима қилсам табибларга киши тушмайди?

Айти: — Кам е, кам де, кам ухла.

Сўрадим: — Оқил ким?

Айти: — Кўп билувчи ва кам сўзловчи.

Сўрадим: — Оқилларда пушаймонлик қандай пайдо бўлади?

Айти: — Ишда шовша-шовшарликдан.

Сўрадим: — Еқимли феъл нима?

Айти: — Тавозеъ.

Сўрадим: — Тавозеъ қандай бўлади?

Айти: — Ҳақ олдида хушмулклик, ўз мартабасидан қўйи турши, икки юзламачиликдан сақланиш.

Сўрадим: — Дунёда бахтиёр ким?

Айти: — Ҳадеб кимга билан ороста қилган ва оғзини ростдан ўзга сўзга очмаган киши.

Сўрадим: — Қандай нарса ғамин ювади?

Айти: — Дўстлар билан учрашиш, оқиллар билан сўзбатлашиш.

Сўрадим: — Нима қилсам элга ёқмай?

Айти: — Ҳеч кимга ёмонлик қилма, бировга ёлгон сўзлама, ваъдага вафо қил, кўпол бўлма.

Фарсча «Мажмуан ҳикоят» номли китобдан Узеинстон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими **Махмуд ҲАСАНОВ** таржимаси.

## Охири хайрли бўлсин

Эртак

**ХИКОЯТ** қилдиларким, қадим замонларда бир подшо ўз вазирига: «Энг яхши сартарошлардан бирини чақиртириб, мени соч-соқолимни олиб кўйсин», дебди. Вазирининг нияти ёмон бўлиб, подшоликни ўз қўлига олмақчи экан. У фурсатдан фойдаланмоқ учун энг яхши сартарошлардан бирига ўткир устара тайёрлатиб олибди. Кейин устарага секин-аста таъсир қиладиган заҳар суриб қўйибди-да, бир сартарошнинг уйига борибди: «Мана шу устара билан подшоҳимизнинг соч-соқолини олиб кўйсанг, тиланг нарсагини берман», дебди. «Бунда бир сир бўлса керак», деб ўйлаган сартарош йўлга чиқиб туриб, эҳтиёт-шардан ўзининг эски устасини ҳам олиб йўлга тушибди.

Сартарош подшонинг бошига совуни суриб қўйиб, қайси устарани ишлатсам экан, деб ўйга ботибди: «соч олиш бўлганда кейин барибир эмасми», дебди-да, янги устарани кўлга олибди. Сартарошнинг бежо

ҳаракатидан подшо ташвишга туша бошлабди.

— Охири хайрли бўлсин, — деб сартарош чап қўли билан подшонинг бошини ушлаган экан, «Тўхта, сен бу гапни қайси мақсада айтдинг. Менга тушунтириб берсан, бўлмаса, каллангни олдиртираман», — дебди.

Сартарош подшога: «бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман», — дебди. Подшо сартарошнинг бир қошиқ қонидан кечибди.

Сартарош жавоб қилибди: — Вазирига шу устарада подшонинг сочини олиб кўйсанг, нима тиласанг ўшани оласан, деди. Бунда бир сир борми деб, охири хайрли бўлсин деяман.

Шоҳ, вазирига сочини янги устарада олишни буюрибди. Сартарош вазирига сочини ярмини олмасдан, у жон берибди.

Кимга ноҳақ чоҳ қазсанг, ўзинг иккиласан, деб. Бежиз айтилмаган экан,

А. РАСУЛЕВ.

## Тўппонча

Ўғлим, нега керак тўппонча. Темирдан ясалган, у муздек парча. У олтин шафақлар эмас-ку, йўлларинга нур, аланга соғса. Бу, аввалдан озодликка душман, Бир кун сенда тугилар пушаймон, Сўнг кўрсан, болалик ўйинларинг...

Сен мендан машинка сўра, Бульдозер сўра, трактор сўра. Хоҳласанг берурман сенга Шонолад.

Авалдан ширинликлар учун Пайдо бўлган ҳаёт, Ахир нега керак тўппонча. Одамод заволи — У муздек парча.

Ихтиёр РИЗО.

## „ОШИҚ“

Бир киши кўчада яқин дўстларидан бирини учратиб қолиб, сўради:

— Ҳа, дўстим, сенга нима бўлди? Нега кўн-дан-кўнга озиб, рангинг саргайиб боряпти?

— Қўшнинг қизига уйлamoқчи бўлганим, дан бери ёши-ичимининг тайини йўқ.

— Шунчалик ошиқ бўлиб қолдингми?

— Йўқ, дўстим... Овқатланишга ҳам бирор сўм қолдирмади.

— Биласизми, хоним, Чунки мен кўшга чиқшим билан, юзимда доғлар пайдо бўлади, шунинг учун ҳам лекциянгизда қатнаша олмаганимдан афсусланаётман, — жавоб берибди ҳалиги аёл.

● Кунлардан бир кун

## ҚУЁШ ДОҒЛАРИ

Бир кун таниқли инглиз олим, астроном Р. Боллга бир таниш аёл олимнинг кў-ми ёш доғлари тўғрисида ўзининг лекциясида бўлолмаганидан гўя афсусланишганини айтибди.

— Биласизми, бу тема мени жуда ҳам қизиқтиради.

## КЕЛИНГ, БИР КУНИ ШАЙЛАК

### Душманга ақл кирсин

Хисров подшога шундай савол берибди:

— Кимларга биринчи навбатда ақл кирсин деб айтардингиз?

— Душманларимга. Чунки кўн-дига ёмонлик тукан оқил кишилар камдан кам ёмонлик қилдилар. Аммо телбаларни ҳеч қандай йўл билан ҳам жидовлаб бўлмайди, — дебди Хисров.

### Нега сизга ҳақ тўлашади?

Бир донишманднинг хотини эрдан бир савол сўраган экан, эри жавоб бера олмабди. Шунда хотини:

— Саволимга жавоб бера олмасангиз, подшонинг маслаҳатчиси рифатида нега ҳақ оласиз? — дебди.

— Мен билан нарсамга ҳақ олмаган. Агарда билмаган нарсамга ҳақ олгудек бўлсам, унда ҳар қандай подшонинг хазинаси ҳам етмайди, — деб жавоб қилибди донишманд ҳозиржавоблик билан.

### Қалб ва тана

Бир донишманд шундай дебди:

— Тана овқатга қанчалик муҳтож бўлса, қалб ақлга шунчалик муҳтождир.

**С. Йўлдошев** тўплаган.

### Ўз вақтида музика

— Дадажон менга барабан олиб беринг!

— Ўғлим, бироз дам олишимга ҳалақит бермасанг-чи, барабансиз ҳам иш жойимда шовқин-сурон ўзи етарли.


— Олиб беринг, дадажон! Биласизми, мен уни фақат сиз ухлаганда чаламан...

### Мантиқий хулоса

Саҳнада «Евгений Онегин» операси кетяпти. Онегин Ленскийни дузда ўлдирди. Залда ўтирган бола сўрайди:

— Ойи, уни ашулани ёмон айтгани учун ўлдирдиларми?..

**И. Усмонов** тўплаган.



Бир дақиқали араз...

● «Тошкент оқшоми» ҳақда дафтаридан

## ТОПИШМОҚ

— Ҳой, ўртоқжон, бери кел, Айтишамиз топишмоқ, — Сен билан, оҳ, янбар дил, Қани, аввал айтиббоқ! — Димонингга чапг пурқаб.

Кўзларинг тиндираб: Жуво мисол эзгилаб Қовурганг синдираб.

— Буми, подадаги сузюнгч бузоқ!

— Йўге, бу — автобуслардаги тикалич, Ен-веридан кемириб, Уясига ташийди. Бўрсик каби семириб, Ҳоқимона яшайди — Топдиги: каламуш! — Йўге, бу — юлғич ошхожа мудирни.

Илк очилган лоладек Кўзга суртиб олсан.

Кўрсангки, маст боладек Ухлансан-у қолсан.

— Уяқу дорис!

— Йўге, Бу — селитрага семирган қовуудек ланж қилиб мудратадиган айрим китоблар.

Тинчлик бермай тонгда ҳам,

Бир-бирдан ўзишар — Қичқириниб дамба-дам, Кекирдагичи чўзишар.

— Тондиги.. Бу — хўроз!

— Йўге, хўрозмас, жанжалкаш қўшним.

**Яқин ҚҮРБОН.**

## ҚУШАЛОҚ БУЗОҚ

«Ленинград» колхозиде истикомат қилувчи Жамолиддин Имомов ол-ласида ажойиб воқеа бўлди. Унинг сигири қўшалoқ бузоқча тугилди. Бузоқчалар бир-бири билан бирлашган, уларда иккига калла, ик-китадан кўлок, битасининг ёнида яна қўшимча кўлокча бўлиб, олтига оёқ, иккитаси олдинда, тўрттаси орқада экан. Думлари ҳам иккитадан, бири пастга қараб ослан-ган, иккинчиси эса орқасига ёпишиб қолган.

Орадан кўп ўтмай, сигир яна бита бузоқ тугди. Бунда ҳеч қандай ор-тичка белги йўқ эди. Қўшалoқ бузоқчани Наманган район ветеринария пункти ходимлари олиб кетиб, уни ўрганмоқдалар.

**Х. АҲМЕДОВ,** Наманган шахри.


## РАССОМ ТАБАССУМИ



Соябондан рационал фойдаланиш.



Узини йўқотди.



— Мен қўшнингга чиқиб келаман, агар «Пхаткор» ютказса, дадангга «Тез ёрдам» машинасини чақир.



— Биринчисига котлет, иккинчисига «ш-қоқ» дафтарини олиб келверинг.

**Е. Одилов** расмлари.



## Орқага...

— Мана, келдинг! — деди тақис хайдовчиси йўловчига қайрилиб, — Ҳа, икки марка тўлар экансиз.

— Афсус, афсус! — деди йўловчи бир-оз орқага қайтишга тўғри келлади. Менда бор-йўғи ўн марка бор, холос.

## Ҳар галгидай

— Тўйинг қалай ўтди? — Гўяг зўр! Ҳар галгидай.

## Васият

— Мени дафн этаётганларингда, албатта, оркестр уйнаб туринг эсларингдан тиқмасин тағин?

— Ҳўп бўлади! Қайси қўшни эшятишини хоҳлардингиз?

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ

Нью-Йоркда бир-бирига жуда монанд одамлар клуби ташкил этилган. Кўзга кўри-нган таниқли шахслардан бирига ўхшаган ҳар қандай киши ана шу клубга аъзо бўла олади.

Ҳозир клубда 11 та Эйзенхауэр ҳамда 7 та Черчилль мавжуд.

Икки университет командалари ўртасида Вашингтонда бўлиб ўтган америкача футбол матчи рақибларнинг ўзаро муштлашуви билан якуланди. Полициянинг қўлидан ҳеч иш келмагач, тартиб ўрнатилган итлар ёр-дамга ташла а н д и. Аммо, и т л а р ҳам тоғат қилолмай, майдонни ташлаб қоч-ишга мажбур бўлиш-ди.

Муштлашундан сўнг, ветеринар врач ҳай-воллар ҳолатини тек-шириб, жароҳатланган кучуклардан бирининг баданида... одам ти-шларининг изи қолган-лигини аниқлади.

